АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Хушвақтов Эркин Темирович

https://doi.org/10.5281/zenodo.17999985

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 15-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 20-dekabr 2025 yil

KEYWORDS

ахборот технологиялари, жиноят, қарши курашиш, хорижий давлатлар тажрибаси..

ABSTRACT

Мақолада ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятга оид тажрибалар таҳлил қилинган ва юртимизда ушбу фаолиятни самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Интернет глобаллашуви авж олган бугунги XXI асрда, дунёда ахборот технорлогиялари билан боғлиқ содир этилаётган жиноятларнинг турлари ва салмоғи кескин ортиб бормоқда. Бунга жиноятчиликнинг ҳар қандай турини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, одам савдоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, мулкий ҳамда иқтисодий жиноятлардир. Хусусан, ушбу йўналишда содир этилаётган жиноятлар ҳудуд танламаслиги билан хавфли ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, ушбу йўналишда дунёнинг исталган нуқтасидан туриб интернет тармоғи орқали дунёнинг бошқа бир четида жиноий фаолиятни амалга ошириш имконини яратмоқда. Бу эса, ўз навбатида ушбу соҳада содир этилган жиноятларни фош этишда бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда хакерларнинг веб-сайтларга уюштираётган ҳужумлари сони тобора ошиб бормоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида "хакер" сўзи компьютер ва ахборот технологияларини пухта билган инсонларга нисбатан ишлатилган. Бугунги кунда бу сўз ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ноқонуний ҳаракатларни бажарувчи, ахборот тизимлари ва дастурларини бузиб кириб, улардан рухсатсиз фойдаланувчи, илова ҳамда веб-саҳифалар муҳофазасини бузиш ва вирус тарқатиш орқали кибер жиноятларни содир этадиган шахсга нисбатан ишлатилмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Arbor Networks дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари маълум қилишича, ишлаб чиқариш, компаниялар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши уларни виртуал дунёда ҳам рақибга айлантирган ва компаниялар рақибларининг онлайн савдоси ёки тизимларини ишдан чиқариш мақсадида, хакерларни ёлламоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, замонавий кибержиноятчилик орқали бугун хакерлар уларни ёллаётган муассасаларга хизматларини сотишга муваффақ бўлмоқдалар. Улар ўзлари кирган тизимлардан маълумотларни ўғирлаб, мижозларига сотадилар. Ёки ёлланма қотиллар каби, бошқа компаниянинг ахборот тизимларини йўқ қиладилар. Хусусан, **у**шбу хизматлари учун хаккерларга соатига ўртача 250 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи тўланади. Айниқса, бир нечта компьютерлар тармоғида хизмат кўрсатишни рад қилувчи зарарли тизимларнинг ўрнатилиши, яъни DDoS-ҳужумлар[1]га эҳтиёж ортиб бормоқда.

Айтиш мумкинки, тахминан ҳар йили қарийиб 15 млн АҚШ фуқароларига, асосан компания раҳбарларига оид 50 млн АҚШ доллари миқдоридаги зарарга тенг бўлган шахсий маълумотлар интернет тармоғига уюштирилган ҳужумлар оқибатида ўғирланади. Таҳлиллар бу каби жиноятларнинг асосан дам олиш кунларида содир бўлишини кўрсатади.

Жумладан, АҚШнинг жиноий сиёсатига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаши ва илгари талаб қилинмаган маълумотларга тезкор кириш имкониятига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, маҳаллий ва федерал ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида алмашиладиган маълумотлар сўровни қидириш ва кўриб чиқиш учун зарур бўлган вақт минимал бўладиган тарзда тузилиши керак. Электрон ҳужжат айланиши бу муаммонинг энг яхши ечимидир. Хусусан, экспертларнинг фикрича, фишинг орқали маълумотларни ўғирлаш, махфий мақсадга эга мобиль иловалар орқали электрон қурилмаларга кириб бориш ва алоқанинг ҳимоя қилинмаган каналларини томоша қилиш орқали бугун кўпчилик интернет фойдаланувчилари кибер жиноятларнинг қурбонига айланмоқда.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда кибер жиноятчиликда муайян шахснинг ёки объектнинг географик жойлашган нуқтаси тўғрисида хабар тарқатиш, шахсий маълумотлар базасини бузиб кириш каби хизматлар оммалашган. Хаккерлар бу каби маълумотларни интернет ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан турли электрон ресурсларга уларнинг фойдаланиш шартларини ўқимасдан туриб киришлари эвазига олишмоқда. Яъни, биз ижтимоий тармоқда дуч келадиган «Неча йил яшайсиз? «АҚШ президенти сиз ҳақингизда нима дейди? «Қайси Голливуд актёрига ўхшайсиз» каби хизматлар аслида фишинг бўлиб, сиз улардан фойдаланиш чоғида уларнинг шартига рози бўласиз ва ўзингиз тўғрингиздаги маълумотларни уларга ҳадя қилган бўласиз. Бу маълумотлар эса махфий равишда ташкил этилган йирик «қора ахборот бозорлари»да катта маблағга сотилади. Масалан, Arbor Networks таҳлилчиси Деннис Шварцнинг маълум қилишича, хакерларнинг соатига 250-300 АҚШ доллари ишлашлари кутилмаган ҳолат. Бунинг боиси, ривожланган мамлакатларда хакерлик учун жиноятчилар қатъий жазога тортиладилар. Уларнинг арзимаган маблағ эвазига жиноятга қўл уришлари эса ачинарли.

Жумладан, «Касперский лабораторияси» асосчиси ва раҳбари Евгений Касперский 27 февралдан 2 мартга қадар Барселонада ўтган Mobile World Congress

[1] DDoS-ҳужум (Distributed Denial of Service attack) – бу Интернет-ресурсни тўлиқ ёки қисман ўчириб қўйиши мумкин бўлган ҳаракатлар тўплами. // Интернет сайтидан: https://ddos-guard.net/ru/terminology/attacks/ddos-ataka

анжумани чоғида замонавий техника, жумладан, интернетга уланган автомобиль ва уйларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Евгений Касперскийнинг таъкидлашича, сўнгги ойларда «ақлли уй» ва интернет буюмлар тизимларига уюштирилган йирик хуружлар аниқланган. Интернетга уланган ҳар қандай гаджетнинг IP-манзили орқали «ақлли уй»ларнинг ҳолати тўғрисида маълумотларни ўғирлаш, компьютерлар тармоғи бўлган ботнетларга ҳужум уюштириш мумкин.

Шу билан бирга, Хакерлар нафақат видеокамералар, автомобиль, самолёт компьютер-лари, балки бугун оммалашётган «ақлли чироқ»ларни, бундан ҳам жиддийроқ хавфсизлик тизимларини масофадан туриб ишдан чиқаришади ва уларнинг устидан назоратни қўлга олишади. Натижада, улар йирик авария, ёнғин ҳамда бошқа турдаги бахтсиз ҳодисаларни сунъий равишда келтириб чиқаришади. «Касперский лабораторияси» тадқиқтоларидан маълум бўлди-ки, интернетга уланган деярли барча автомобилларнинг рақамли калит-ларини тайёрлаш ва тизимларини масофадан бошқариш мумкин. Мисол учун, хакерлар 2016 йилда Украина ва Германиядаги йирик электро-станцияларни вирус ёрдамида ўчириб қўйишлари билан боғлиқ хуружлар хакерларнинг атом станцияларига ҳам уюштириши мумкинлиги, бу эса фожеали техноген ҳалокатларни келтириб чиқаришидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, Евгений Касперский хакерларнинг хуружини инобатга олган ҳолда, янги кучли платформа яратиш ғоясини илгари сурди. Унинг сўзларига кўра, тўлиқ ҳимояланган тизимни яратиш иложсиз, бироқ замонавий хуружларга мослаша оладиган турли қурилмалар учун универсал ҳимоя тизимини яратишнинг имкони бор. Хусусан, «Касперский лабораторияси» хакерлардан ҳимоя тизимларини ишлаб чиқиш бўйича тажрибали мутахассисларни ишга олади. Касперский ҳар қандай тизимни ишлаб чиқишда, аввало, унинг хакерлик хуружларига чидамлилигини ҳисобга олиш кераклигини айтди.

Масалан, яна бир қизиқарли далил – Евгений Касперский смартфондан фойда-ланмайди. Унинг Жаҳон Мобиль Конгресси чоғидаги чиқишида тадбир бошловчиси ундан мобиль алоқа воситасини кўрсатишини сўраганида Касперский Sony Ericsson брендидаги эски уяли телефон аппаратини қўлига олди. Унинг сўзларига кўра, эски телефондан фойдаланиш унинг учун қулай, бу унга ҳеч қачон панд бермайди. Энг муҳими, у замонавий смартфонлар каби нозик эмас.

Жумладан, турли интернет манбаларида бу атамага турлича тавсиф берилади. Шулардан бири сифатида, киберхавфсизлик – бу ахборот тизимлари, тармоқлари, ва дастурларини рақамли ҳужумлардан ҳимоялашга қаратилган фаолиятдир. Одатда бундай ҳужумлардан мақсад махфий маълумотларни қўлга киритиш, уларни ўзгартириш ёки йўқотиш, фойдаланувчилардан пул талаб қилиш ёки бизнес жараёнларини издан чиқаришдан иборат. Бугунги кунда киберҳужумларга қарши кураш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Зотан, замонавий дунёдаги инсонларга нисбатан ахборот қурилмаларининг сони ҳам, аҳамияти ҳам ортиб бораётир. Маълумотларга кўра, киберҳужумлар натижасида бир йилда дунё иқтисодиётига ўртача 26 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказилмоқда.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда дунёда киберҳужумлардан ҳимояланиш бўйича турли компаниялар томонидан махсус дастурлар, ҳимояланган тизимлар, иловалар

ишлаб чиқилмоқда. Мутахассислар фойдаланувчилар ва ташкилотларни кибертаҳдидлардан ҳимояланиш учун ахборот хавфсизлигининг барчага маълум қоидаларига изчил амал қилиш, жумладан, мессенжер ёки электрон почтага келиб тушган, текширилмаган, шубҳали хабарлардан эҳтиёт бўлиш, мураккаб паролларлардан фойдаланиш ва уларни бошқаларга бермаслик, шубҳали сайтлар ва ахборот ресурсларидан рўйхатдан ўтмасликни маслаҳат беришади.

АҚШ полиция тизими уч босқичли иерархик ташкил этилган автоном органлар тизими бўлиб, уларни мувофиқлаштириш идоралараро асосда (муниципалитетлар ва штатлар даражасида штат ҳукуматлари томонидан, федерал даражада АҚШ ҳукумати томонидан амалга оширилади).

Британиянинг Comparitech тадқиқот компанияси киберхавфсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган давлатлар рейтингини тузди. Рейтингга 60 та давлат киритилган бўлиб, унга Япония етакчилик қилмоқда. Охирги ўринни эса Жазоир эгаллаган. Рўйхатга Ўзбекистон ҳам киритилган бўлиб, у 56-ўринни эгаллаган.

Киберфирибгарлик жиноятининг хорижий тажрибага назар ташласак, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз, мисол учун, Россия ЖКнинг 159[6]-моддасида комьпютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик жинояти, яъни ўзга шахсларнинг комьпютер маълумотларини қўлга киритиш, йўқ қилиш, қулфлаш, ўзгартириш, ахборот ва телекоммуникация тармоқларини қайта ишлаш, узатиш орқали ёки бошқа воситалар билан бошқа шахснинг мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш ёки шу усулда бошқаларнинг мулкини ўғирлашга жиноий жавобгарлик белгиланган[2].

Жанубий Корея Республикаси ЖКнинг 347[2]-моддасига асосан электрон ҳисоблаш машиналари орқали фирибгарлик содир қилганлик учун, яъни ўзга шахснинг шахсий маълумотларидан ноқонуний фойдаланган ҳолда бировнинг мулкидан техник воситалардан фойдаланиб фойда олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган[3].

Кўриб турганимиздек, хорижий тажриба шуни кўрсатадики, аллақачон киберфирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ҳолда, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир вақтда бу ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланмаганлиги бу борада қонун ҳужжатларимизни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда дунё мамлакатлари ривожланишнинг турли босқичларига эришган бўлишларига қарамай, ҳар қандай давлат ижтимоий хаётида ахборот ҳуружи ва ундан жабр кўрувчиларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқда. Қолаверса, ахборот хуружи билан боғлиқ жиноятларнинг ҳам янгидан-янги кўринишлари пайдо бўлмоқда. Ахборот ҳуружига қарши курашиш борасида хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганишдан шундай хулосага келиш мумкин-ки, бу каби ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

[2] Уголовный кодекс Российской Федерации // Собрание законодательства Российской Федерации, 1996, № 25, ст. 2954; 1998, № 22, ст. 2332; № 26, ст. 3012; 1999, № 7, ст. 871, 873; № 11, ст. 1255; № 12, ст. 1407; № 28, ст. 3489, 3490, 3491; 2001, № 11, ст. 1002; № 13, ст. 1140; № 26, ст. 2587; № 33, ст. 3424; № 47, ст. 4404, 4405; N 53, ст. 5028; 2002, № 10, ст. 966; № 11, ст. 1021; № 19, ст. 1793, 1795; № 26, ст. 2518; № 30, ст. 3020, 3029; № 44, ст. 4298; 2003, № 11, ст. 954; № 15, ст. 1304; № 27, ст. 2708, 2712; № 28, ст. 2880.

[3] Интернет сайтидан: Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодекси http://www.law.go.kr/lsInfoP.do?lsiSeq=204772&efYd=20181016#0000.

органларда муайян билимларга эга бўлган мутахассислардан иборат бўлинмаларни ташкил этилган ва кибермаконда содир этилаётган жиноятларни фош этиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаб, уларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.